



Савол:

Бир киши жунуб ҳолида уйқудан уйғонган бўлса, агар ғусл қилса бамдод намозининг вақти чиқиб кетиши хавфи бўлса, таяммум қилиб намоз ўқиса бўладими?

Жавоб:

Йўқ, ғусл қилади ва вақти чиқиб кетганидан кейин бўлса ҳам намозини ўқийди. Чунки, уйқудаги одам учун намоз вақти уйғонган вақтидир. Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Ким намоздан ухлаб қолса ёки унутган бўлса, эслаган заҳоти ўқиб олсин**» (Муслим: №1601). Сиз учун уйғонган пайтингизда вақт энди кирган ҳисобланади. Шунинг учун ғусл қилиб, кейин намозингизни ўқинг.

(Ибн Усаймийн: Мажмуъу фатава: 11/236)